

Азизбек АМОНОВ

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ДИЁРИ


МОНОГРАФИЯ



«ИQTISODIYOT»

32.c (es2)  
A.60


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



Азизбек Амонжонович Амонов

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН –  
МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК  
ДИЁРИ**

*Монография*



Тошкент – “ИҚТИСОДИЁТ” – 2023

УЎК: 323(575.1)

КБК: 66.3(5Ў)

М31

**Амонов А.А. “Янги Ўзбекистон – миллатлараро тотувлик диёри” / Монография. – Т.: “IQTISODIYOT”, 2023. – 184 б.**

Монографияда “Миллатлараро тотувлик” тушунчаси, миллатлараро муносабатларнинг эволюцион босқичлари, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш механизмларининг ҳаётга татбиқи назарий ва амалий жиҳатдан социологик таҳлил қилинган. Шунингдек, Янги Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик, барча давлатлар, хусусан, қўшни мамлакатлар билан мустаҳкам алоқаларнинг янада барқарорлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар ва уларнинг амалий натижаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Монография илмий тадқиқотчилар, докторантлар, ёш олимлар, ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчилари, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари, тьюторлар ва кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:**

*М.Б. Бекмуродов,*

*Социология фанлари доктори, профессор,*

**Тақризчилар:**

*М.Қ. Қуронов,*

*Педагогика фанлари доктори, профессор;*

*Қ.А. Жўраев,*

*Сиёсий фанлар доктори, профессор;*

*Т.Б. Матибаев*

*Социология фанлари доктори, профессор.*

**Монография Тошкент давлат иқтисодий университетининг  
Кенгашининг 2021 йил 30 августдаги 1-сонли қарори  
билан нашрга тавсия этилган.**

**ISBN 978-9943-8860-7-0**

© “IQTISODIYOT”, 2023.

## КИРИШ

*Жамиятимизда ҳукм сураётган ўзаро дўстлик ва ҳамжисҳатликни янада ривожлантириш, қайси миллат, дин ва этниқодга мансублигидан қатъи назар, барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқларни таъминлаш этиборимиз марказида бўлади.*

*Шавкат Мирзиёев*

Жаҳонда миллатлараро тотувликка эришиш, турли халқлар, этнослар ўртасида толерантлик маданиятини янада ривожлантириш барча давлатларда долзарб масала бўлиб келган. Бугунги кунда дунё давлатлари аҳолисининг аксарияти полиэтник таркибга эга. Шу боис Бирлашган Миллатлар Ташкилоти дунё халқлари учун янги, оқилона, барча турдаги зиддиятларга барҳам берувчи ўзаро битимлардан иборат ёндашувларни жорий этиш масаласини кун тартибига кўймоқда.

Дунёда миллатлараро тотувликни таъминлаш жараёнини тадқиқ этиш борасида катор илмий тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, глобаллашув ва интеграция жараёнларининг моҳияти, хусусиятлари ва социодинамик табиати, полиэтник жамиятлардаги ижтимоий зўриқиш вазиятларига оқилона ёндашиш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш масалалари, социал низолар, феноменологик ёки кундалик ҳаёт, социал алмашинув назарияси, социал макон ғоясига асосланган назарий-методологик таълимотлар, миллатлараро муносабатларни бевосита ва билвосита ўрганиш учун ёшлар субмаданияти, миграция ва мульти-культур жамиятлар, акмеология йўналишларининг замонавий социологияда қўлланилиши миллатлараро тотувлик жараён-

ларини янада барқарорлаштириш тизимини социологик таҳлил қилиш заруратини илгари сурмоқда.

Мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни барқарор сақлаш ва ривожлантиришга, турли миллат вакиллари ўзаро тотувлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда давлат ва маҳаллий бошқарув тизимлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаш-тириш, фуқароларнинг толерантликка асосланган маъна-виятини янада юксалтириш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилмоқда. «Миллатлараро тотувликни таъмин-лашда мамлакатимизда фаолият юритаётган 138 та миллий-маданий марказнинг ўрни бекиёс. Айнан шу нуқтаи назардан келгусида ҳам миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади»<sup>1</sup>. Бу юртимизда ўзбеклар ва бошқа халқларнинг эркин, озод истиқомат қилишлари, титул миллат билан тенг ҳуқуқли фуқаролар сифатида яшашлари, ўз миллий тили, маданияти, анъаналари билан сақлаш ва ривожлантиришда дунёда андозаси бўлмаган ҳуқуқий, маънавий ва ижтимоий йўналишларда социологик тадқиқотларни амалга ошириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 1-том. 46-бет.

# **І БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Миллатлараро тотувликни социологик тадқиқ қилишнинг илмий-методологик асослари**

Жамиятда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини юксалтириш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни, фуқаролар тотувлигини таъминлаш, шунингдек, хорижий мамлакатлар билан дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаш Ўзбекистондаги ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб миллатлараро тотувлик масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида «Ўзбекистон халқини миллатидан катъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади»<sup>2</sup> ва 4-моддасида эса «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади»<sup>3</sup> деган нормаси белгилаб қўйилган.

Бугун Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил яшамоқда. Улар барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилиб, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Мустақиллик йилларида миллий-маданий марказларнинг 120 дан ортиқ фаоли давлат мукофотларига сазовор бўлди, орден ва медаллар билан тақдирланди, жумладан, 14 нафарига «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвони берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси<sup>4</sup>, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, 138 та миллий-маданий марказ, 34 та дўстлик жамияти фаолияти Ўзбекистондаги барча миллат ва элатларнинг ўтмиши, маданияти, кадриятлари, урф-одатларини асраш, янада ривожлантириш,

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон» нашриёти, 2018 йил. 6-бет.

<sup>3</sup> Ўша манба, 4-бет.

<sup>4</sup> <https://lex.uz/docs/4925806>

миллатлараро муносабатларни оптималлаштириш, жамият ва давлат тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимиз таълим муассасаларида ўқиш 7 тилда олиб борилмоқда. Телерадио кўрсатув ва эшиттиришлар 12 тилда эфирга узатилмоқда, газета ва журналлар 10 дан ортиқ тилда чоп этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони жамиятда барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш, фуқаролар онгида катта, кўп миллатли ягона оиллага мансублик туйғусини мустаҳкамлаш, миллий-маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга қаратилган<sup>5</sup>.

Хусусан, Республика байналмилал маданият маркази ва Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этди. Мазкур кўмита зиммасига жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, тинчликсевар сиёсатни изчил амалга ошириш вазифаи юкланди.

Кўмита томонидан миллатлараро тотувлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик тамойилларини қарор топтириш, миллатлараро муносабатлар маданиятини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий ташаббусларни кўллаб-қувватлаш, мувофиқлаштириш ва рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, миллий-маданий марказларга амалий ва методик ёрдам кўрсатиш, уларнинг ташаббусларини кўллаб-қувватлаш, миллати, ирқи ва диний этиқодидан катъи назар, фуқаролар онгида кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, «Ўзбекистон – умумий уйимиз» тамойилини амалга ошириш чораларини кўриши белгилаб қўйилди.

Миллатлараро тотувлик ғояси умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва

<sup>5</sup> Халқ сўзи. 2017 йил 23 май.

давлатларнинг миллий тараққиётини белгилайди. Шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Дунёдаги барча давлатлар аҳолиси миллий таркибига кўра 2 гуруҳга бўлинади. Биринчиси моноэтник (аҳолиси, асосан, бир миллат вакилларидан иборат) ва иккинчиси полиэтник (кўп миллатли) давлатлардир. Ўзбекистон аҳолиси миллий таркибига кўра аҳолиси кўп миллатли давлатлар қаторига киради. Шу боис турли миллатлар манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши, биз яшаётган бугунги даврнинг ўзи давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатда хавфсизлик, барқарорлик ва яқин кўшничилик муҳитини яратишга қаратилган пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий сиёсатни юритиш, шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшлар онгида инсонпарварлик кадриятлари, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, бу борада амалга оширилаётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни такозо этмоқда.

Дарҳақиқат, бундай муҳит миллатлараро муносабатларда турли муаммолар туғилишига асло йўл қўймайди, жамият тараққиёти учун имкон яратади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномасида ушбу масалага алоҳида тўхталиб, «Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари боради. Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилади. Бу – бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир»<sup>6</sup> деган катъий фикрни билдирди.

Миллатлараро тотувлик жамиятда тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Шу боис ушбу мавзу Ўзбекистонда социология фанининг долзарб мавзуларидан биридир.

Маълумки, бутун дунёда миллатлараро муносабатлар социологияси этносоциология тармоғига киради. Этносоциология

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2019 йил 28 декабрь.



ижтимоий ва этник жараёнларнинг ўзаро алоқалари ва таъсирини кенг ўрганди. Г.Гарфинкель<sup>7</sup>, В.Вундт<sup>8</sup>, Богардус<sup>9</sup> миллатлараро муносабатлар социологиясининг асосчилари сифатида мазкур муаммонинг умумий жиҳатларини, О.Конт<sup>10</sup>, Ж.С.Милл<sup>11</sup>, М.Мид<sup>12</sup>, Р.Миллс<sup>13</sup>, Г.Антонос<sup>14</sup> эса миллий хусусиятларни баён қилиш йўналишида онг, тафаккур ва хулқнинг миллий хусусиятларини миқдорий асосларда ўлчаб, батафсил тадқиқ этишган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида миллатларо муносабатлар социологияси масалалари этносоциолог, этнопсихологлар – Б.Ф.Поршнев<sup>15</sup>, А.Р.Лурия<sup>16</sup>, Ю.В.Бромлей<sup>17</sup>, И.С.Кон<sup>18</sup>, В.И.Ханнанова<sup>19</sup>, П.В.Токар<sup>20</sup>, Н.В.Омеласенко<sup>21</sup> томонидан ўрганилган. Ушбу йўналиш социология, этнография, тарих, этнопсихология, маданий ва ижтимоий антропология фанлари уйғунлигида амалга оширилди. Бугунги кунда бу борада миллий омилнинг мамлакат ижтимоий тузилмаси, миграция жараёнлари, миллий онгнинг детерминантлари ва миллатлараро муносабатларга таъсири, хулқнинг миллий хусусиятлари, стереотиплари, миллий

---

<sup>7</sup> Гарфинкель Г. Что такое этнометодология? 2012. Т. 11. № 3. С. 144-154.

<sup>8</sup> Вундт В. Проблемы психологии народов. – М.: Академический проект, 2010. – 136 с.

<sup>9</sup> Богардус. Социальная дистанция в городе. Материалы и публикации Американского социологического обществ. 20, 1926, С. 40-46.

<sup>10</sup> Конт О. Основные законы социальной динамики, или общая теория естественного прогресса человечества. // Философия истории. Антология. – М., 1995. С. 116-130.

<sup>11</sup> Милье Дж.С. О свободе. // О свободе. Антология западноевропейской классической либеральной мысли. – М., 1995. С. 228-293.

<sup>12</sup> Миллс Р. Властвующая элита. – М.: Издательство иностранной литературы, 2010. – 844 стр.

<sup>13</sup> Мид М. Культура и мир детства. Избранные произведения. – М., 1988. – 285 с.

<sup>14</sup> Мид М. Культурология: Словарь. – М.: Академический проект, 2000; Парсонс Т. Система современных обществ. – М.: Изд. «Аспект Пресс», 1998. – 270 стр.; Радклифф-Браун А. Структура и функции в примитивном обществе. – М., 2000. С. 7-18; Антонос Г. Империя и национальное государство: история и современность. // Политическая наука (Теория. Ретроспектива исследований). – М., 1995. С. 83-112.

<sup>15</sup> Каранг: Поршнев Б. Социальная психология и история. Изд. 2-е, доп. и испр. – М., 1979.

<sup>16</sup> Лурия А.Р. Природа человеческих конфликтов. Монография. / А.Р.Лурия. – М.: Когито-Центр, 2002. – 526 с.

<sup>17</sup> Бромлей Ю.В. Этнос и этнография. – М.: Наука, 1973. – 285 с.

<sup>18</sup> Кон И.С. Психология предрассудка: О социально-психологических корнях этнических предубеждений. // Новый мир. 1966. № 9. С. 187-205.

<sup>19</sup> Каранг: Ханнанова В. Политизация этничности как социологическая проблема автореферат по социологии. 2000 г.

<sup>20</sup> Каранг: Токар П.В. Массовые национальные движения Закарпатья: состояние и тенденции развития. Афтореферат, кандидата социологич наук. 1993.

<sup>21</sup> Каранг: Омеласенко Н.В. Межэтническая толерантность молодежи в поликультурном регионе. / Автореферата по кандидат социологических наук. 2013 г.

гуруҳларнинг маънавий эҳтиёжларини ўрганиш йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Айтиш ўринли, миллатлараро муносабатлар, миллат, этнос жиҳатлари сўнгги вақтларда этносиёсат ва этномаданият, этнопсихология, этнология йўналишларида атрофлича муҳокама қилинаётган мавзулардан биридир. Ушбу муҳокама жараёнларида масалага бир томонлама ёндашув ҳолатлари ҳам кузатиляпти. Лекин уларга фақат ижтимоий, сиёсий қизиқишларнинг воситаси деб қараш ёки муаммо ечимини этногенез жиҳатларига боғлаш, фақатгина улар атрофида таҳлил қилиш, бизнинг назаримизда, масалага нотўғри ёндашувдир. Бу борада улар томонидан фақат иқтисодий, сиёсий, маданий жараёнлар, айниқса, сиёсий мақсадлар билан боғлаб қўйилса, тадқиқотчи қанақа сиёсий дискурс томонида бўлса, шунга мос бўлган хулоса қилишини олдиндан айтиш мумкин. Бу эса тадқиқот объектининг мавжуд ҳолатга нообъектив ёндашиш, керак бўлса, фальсификацияни ҳам юзага келтириши мумкин. Бу жараёнда аввалдан лойиҳаланган тайёр фикрлар, постулатлар миллатлар ўртасидаги муносабатларга боғланади. Агар миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар этногенезга боғланса, ретроспектив таҳлил билан чекланилса, объектнинг ижтимоий-фалсафий мазмуни, ўзгариш хусусиятлари эътиборсиз қолади. Бизнинг назаримизда, миллатлараро муносабатларни, унинг субстанционал асоси ҳисобланган «этнос» ва «миллат» тушунчаларини атрофлича ижтимоий-фалсафий ҳодиса сифатида ўрганиш керак<sup>22</sup>.

Шу боисдан миллатлараро муносабатларни у ёки бу мамлакатдаги этносиёсий жараёнларга ёндашув ҳолати билан боғлиқлик ҳолатида ўрганиш аҳамиятлидир. Шу туфайли миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид илмий-назарий, фалсафий концепцияларни ўрганишда объективлик омилининг етакчи ўринга чиқиш зарурлигини таъминлаш даркор. Чунки миллатлараро муносабатлар шунчаки эътиборсизликда кечадиган жараён эмас, балки миллатлар, этносларнинг ўзаро манфаатлари, менталитети, ҳаётий позицияси, маданияти, ижтимоий жараёнлардаги ролини ёритадиган ижтимоий ҳодисалардир.

Бугунги кунга келиб, миллатлараро муносабатларни ўрганишга комплекс, социологик-психологик ёндашиш истиқболли эканлиги

<sup>22</sup> Қаранг: Философия. Энциклопедический словарь. – М.: Гардарики. // Под редакцией А.А.Ивина. 2004. Стр. 58-69.

кузатилмоқда. Чунки ҳар бир ижтимоий хулқ-ҳаракатнинг субстанцияси, унга мазмун берувчи ва рағбатлантирувчи асос миллий-маданий мотивация ҳисобланади. Шу сабабли кундалик миллатлараро муносабатларнинг мотивларини ўрганиш ҳар бир жамиятда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маънавий муҳитнинг ижтимоий хусусиятларини тушунишга йўл очади. Шу сабабли миллатлараро муносабатлар социологияси ушбу ранг-барангликлар орасидан муайян ижтимоий-тарихий маконда жамият аъзолари учун нисбатан барқарор, тез-тез ва такрор учрайдиган, миллатлараро муносабатларни белгиловчи асосий мотивацияларини ўрганеди.

Айни вақтда миллатлараро муносабатлар, миллий сиёсат ҳақида ижтимоий фикрни ўрганиш, таҳлил қила бориш миллатлараро муносабатлар социологиясининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади. Илмий адабиётларни ўрганиш миллатлараро муносабатларга оид илмий эътиборга лойиқ бир қатор илмий-назарий концепциялар мавжудлигини кўрсатди. Мавзумиз учун муҳимлигидан келиб чиқиб, уларга қисқача тўхталамиз. Статистик концепцияда давлатга миллий сиёсат ва миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг муҳим субъекти деб қаралади. Ушбу концепция ҳуқуқшунос ва сиёсатчилар томонидан кенг қўллаб-қувватланади.

Этнологик концепция<sup>23</sup> эса миллий сиёсат ва миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни этнологик ва антропологик томонидан таҳлил қилиш лозим, деган нуқтаи назарни ёқлайди.

Этносоциал концепция<sup>24</sup> халқ, миллат ва уларнинг турфа хиллиги, ижтимоий ҳаётдаги роли, миллатларнинг ижтимоий жараёнларда интеграциялашуви, ижтимоийлашуви муаммоларини тадқиқ этади.

Этномаданий концепция нуқтаи назаридан миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганишда халқ, миллатнинг тил, мулоқот маданияти, характериға оид хусусиятлари, урф-одатлари, турмуш тарзи, кийиниши каби хусусиятларига эътибор қаратилади. Ушбу этномаданий хусусиятлар этноснинг муҳим ижтимоий жиҳатлари сифатида миллатлараро муносабатларга таъсир этади. Ҳеч бир миллат ушбу белгиларсиз ўзининг мавжудлигини, ички ва ташқи сиёсатдаги ўрнини тасаввур эта олмайди, деган қарашни ҳимоя қилади.

<sup>23</sup> Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. 3-е изд., испр. – М.: Либроком, 2009. – 440 с.

<sup>24</sup> Қаранг: Пўлатов А.Х. Этносоциальные отношения в Центральной Азии: теория, проблемы, пути решения: теория, проблемы, пути решения. Дис. д-ра филос. наук.: 09.00.11. – Т., 2003. – 251 с.

Этнопсихологик ёндашув концепцияси<sup>25</sup>да эса эътибор миллий хусусиятлар, характерлар ва дунёкарашлар, менталитет, мулоқот усуллари ҳамда индивидуаллик, жамовийлик, турли қадриятларга муносабат, идентификация, ижтимоийлашув, лоқайдлик, агрессивлик, адаптация ёки инновацияга мойиллик каби маънавий-руҳий ҳолатларига йўналтирилган.

Миллатлараро тотувлик мавзусига доир ўрганилган илмий адабиётларнинг таснифига кўра уларни куйидагича гуруҳлаш мумкин:

– ирқий-этноцентризм концепцияси ўзи мансуб этник гуруҳи ва унинг қадрияти, эътиқоди, маданиятини ўзга этник бирлашмалардан ажрата олишга йўналтирилган қараш, назария ҳисобланади<sup>26</sup>;

– трансцендентал ёндашувлар эса халқ, миллатни илоҳийлаштиришга интилиш, яъни унинг генезиси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ва вазифаларини “реалликдан ташқарида” излашни илгари суради<sup>27</sup>;

– мультикультурация концепцияси моҳиятан этномаданий концепцияга яқин бўлса-да, асосий эътиборни чет мамлакатларда истиқомат қилаётган ва айрим субъектив сабаб туфайли титул миллат маданиятига мослаша олмаётган этник гуруҳларнинг маданий ассимиляциялашувига йўналтирилади<sup>28</sup>.

Кўпгина полиэтник давлатларда миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни бир концепция доирасида тадқиқ қилиш маълум даражада нотўғри. Чунки ижтимоий юксалиш полиэтник жамиятларда турфа хиллик хусусиятларини ўзида намоён этмоқда. Шунинг учун этномуносабатларни поликонцепционалистик нуқтаи назардан таҳлил қилиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Миллатлараро муносабатларни бевосита ва билвосита ўрганиш учун «ёшлар субмаданияти»<sup>29</sup> (Россия), миграция ва мультикультур

<sup>25</sup> Қаранг: Стефаненко Т.Г. Этнопсихология. – М.: Институт психологии РАН, “Академический проект”, 1999. – 320 с.; 2. Тудупова Т.Ц. Этнопсихологическая подготовка подростков к толерантному общению. – Улан-Удэ: Изд-во Бурятского государственного университета, 2006. – 203 с.; 3. Тудупова Т.Ц., Сангадиев Ч.Ц. Формирование толерантной направленности личности современного подростка. // Вестник Бурятского государственного университета. 2008. Сер. 5. С. 54-59.

<sup>26</sup> Косов Ю.В., Фокина В.В. Политическая регионалистика. – М.: Питер, 2009. С. 25-26.

<sup>27</sup> Кирабаев Н.С. Глобализация и мультикультурализм. – М., 2005.

<sup>28</sup> Мусаев О. «Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари» номли диссертация иши. 2017 йил.

<sup>29</sup> Эркаев А. Оммавий маданият ва маънавий тарбия. – Т.: Маънавийт, 2015 (Шунингдек, Худойберди Хакназаров диссертациясида, Феруза Мадрахимова диссертациясида ҳам кузатиш мумкин).

жамиятлар (Италия, Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ, Канада, Россия), акмеология<sup>30</sup> (Германия, Франция, Буюк Британия, Россия) йўналишларидаги муаммолар замонавий социологиянинг асосий мавзуларидир. Бугунги кунда миллатлараро муносабатлар муаммоси, жумладан, «миграция жараёнлари» маълум даражада ўрганилган бўлиб, Ўзбекистонда ушбу масалани мамлакат ижтимоий ҳаёти ракурсидан социологик нуқтаи назардан таҳлил этишга эҳтиёж мавжуд. Мумтоз социологияда “авлод” мавзусининг устувор йўналишлари Т.Парсонс ва Ж.Тернерларнинг «структурали функционализм» (АҚШ)<sup>31</sup>, Р.Дарендорфнинг «социал низолар» (Германия)<sup>32</sup>, А.Шьюцнинг “феноменологик ёки кундалик ҳаёт социологияси” (Австрия)<sup>33</sup>, Ж.Хоманснинг «Социал алмашинув назарияси» (АҚШ)<sup>34</sup>, П.Бурдьё (Франция) ва И.Гофман (Канада)ларнинг «социал макон»<sup>35</sup> ғоясига асосланган назарий-методологик таълимотларида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар муаммосининг социологик масалалари, мансублик (идентиклик) мавзусига оид тадқиқот ишлари Ш.Мадаева<sup>36</sup>, социомаданий (ўзликни англаш руҳияти, турмуш тарзи ва кундалик ҳаёт, қатламларга ажралиш, мобиллик) ва ментал жиҳатлари М.Бекмуродов<sup>37</sup>, бевосита миллатлараро муносабатларнинг ижтимоий фикрдаги инъикоси

<sup>30</sup> Кирабаёв Н.С. Глобализация и мультикультурализм. – М., 2005.

<sup>31</sup> Каранг: 1. Юдин Б.Г. Системные представления в функциональном подходе. // Системные исследования. – М., 1973; 2. Здравомыслов А.Г. Функционализм и его критика. // Структурно-функциональный анализ в современной социологии. Инф бюл. ССА. – М., 1968. № 6; 3. 4. Кон И.С. История социологии. // Вопр. философии. 1970.

<sup>32</sup> Дарендорф Р. Элементы теории социального конфликта. // Социологические исследования. 1994. № 5. С. 142-147.

<sup>33</sup> Каранг: 1. Шютц А. Смысловая структура повседневного мира: очерки по феноменологической социологии. – М.: Институт Фонда «Общественное мнение». 2003. – 336 с.; 2. Руткевич Е.Д. Феноменологическая социология знания. – М., 1993.

<sup>34</sup> Каранг: 1. Хоманс Дж. Социальное поведение как обмен. // Современная зарубежная социальная психология. Тексты. / Под ред. В.И.Добренкова. – М., 1984; 2. Хоманс Дж. Возвращение к человеку. // Американская социологическая мысль: тексты. / Под ред. В.И.Добренкова. – М., 1994. С. 46-61.

<sup>35</sup> Каранг: Бурдьё Пьер, Социология социального пространства. / Пер. с фр., общ. ред. Н.А. Шматко. – СПб.: Алетейя; Ин-т эксперим. Социологии. – М.: Алетейя, 2005. – 288 с.; 2. Гофман И. Стигма: Заметки об управлении испорченной идентичностью. // Социологический форум. 2001. С. 2.

<sup>36</sup> Мадаева Ш.О. Идентиклик антрологияси. – Т.: “Noshir” нашриёти, 2015. – 176 б.

<sup>37</sup> Бекмуродов М.Б. Жамоатчилик фикрининг ижтимоий-маданий тараққиётидаги роли. // Дис. социология фан. д-ри. – Т., 1999.

М.Ганиева<sup>38</sup>, ижтимоий-маънавий муносабатлар хусусиятлари Г.Туленова<sup>39</sup>, ижтимоий, диний-экологик ва социоантропологик ёндашув К.Каланов<sup>40</sup>, тарбиявий аспект Н.Латипова<sup>41</sup>ларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Бугунги кунда миллатлараро муносабатлар ва этник масалалар Ўзбекистоннинг бир қатор файласуф олимлари томонидан тадқиқ қилинган. Уларга қисқача тўхталадиган бўлсак, миллатлараро муносабатларнинг генезиси, эволюцияси ҳамда тарихий-маданий парадигма сифатида шаклланиши ва ривожланиш қонуниятлари Ж.Бахронов, Б.Каримов, Б.Иминов, А.Пўлатов, Ш.Зокиров, А.Очилдиев, С.Отамуродов, А.Муминов, Б.Сидиқов, Н.Маманазаров, Т.Жураев, Қ.Хоназаров, Б.Туйчиев, М.Ганиева, Ў.Абилов, З.Қодирова, И.Эргашев асарларида ёритилган. Ж.Бахронов этник муаммолар, миллат ва шахс ўртасидаги диалектик алоқалар, миллий ўзликни англаш<sup>42</sup>ни, Б.Каримов этник ва этнотилшунослик концепцияларида миллатлар ва бағрикенглик масалаларининг Ойкуменик илмий назарияси<sup>43</sup>ни, Б.Иминов миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда манфаатларнинг роли ва уларни уйғунлаштириш омиллари<sup>44</sup>ни, А.Пўлатов Марказий Осиё давлатларидаги миллий-ижтимоий (этносоциал) алоқалар ўзгариши<sup>45</sup>ни, Ш.Зокиров миллий муносабатлардаги ҳудудий хусусиятлар<sup>46</sup>ни, С.Отамуродов миллий-маънавий юксалиш, глобаллашувнинг этномаданий борлиққа ўзаро боғлиқлик жиҳатлари<sup>47</sup>ни, А.Очилдиев миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлардаги маданият, онг, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар<sup>48</sup>ни,

<sup>38</sup> Ганиева М.Х. Общественное мнение как фактор развития межнациональных отношений в Узбекистане. // Дис. д-ра социол. наук. – Т.: УзМУ, 2010.

<sup>39</sup> Туленова Г.Ж. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли. // Дис. фалсафа фан. докт. – Т., 2006. – 317 б.

<sup>40</sup> Каланов К.К. Марказий Осиё худудидаги ижтимоий-диний табакалар (диний-экологик ва социоантропологик таҳлил). – Т., 2006 й. – 92 б.

<sup>41</sup> Латипова Н.М. Особенности семейного воспитания. // Theoretical and Applied Science – Harrisburg, USA. / №10 (30). 2015. PP. 79-84.

<sup>42</sup> Бахронов Ж. Шахс миллий ўзлигини англаши қонуниятлари. – Самарканд: Зарафшон, 1995. 12-14-б.

<sup>43</sup> Каримов Б. Ойкуменическая теория нации и проблема толерантности в концепциях этнолингвализма и этноцизма. // Терпимость: идея и традиции. – Якутск, 1995. С. 17-24.

<sup>44</sup> Иминов Б. Манфаатлар – сиёсат ва мафкура манбаи. – Т.: Минхож, 2002.

<sup>45</sup> Пўлатов А. Марказий Осиёда этносоциал муносабатлар: назарияси, муаммолари, ечимлари. Фалсафа фан. докт. автореферат. – Т., 2002.

<sup>46</sup> Зокиров Ш. Социально-философские вопросы межнациональных отношений в Республике Узбекистан. Автореф. канд. филос. наук. – Т., 2006. С. 7-9.

<sup>47</sup> Отамуродов С. Миллий муносабатларнинг сиёсий жиҳатлари. – Т.: Янги аср авлоди, 1996.

<sup>48</sup> Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Т.: Ўзбекистон, 2004.

Б.Сидиков Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги этносоциал ва этномаданий ҳамкорлик, биродарлик, интеграцион муаммолар<sup>49</sup>ни, Қ.Хоназаров ҳам ўз тадқиқотларида миллий тил ва билингвизм масаласи<sup>50</sup>ни атрофлича ўрганган. Бу олимлар Ўзбекистонда титул миллат ва бошқа миллат вакиллари ҳамкорлиги янги этносиёсий парадигмасининг имманент хусусиятларини атрофлича ёритганлар.

Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар жараёнлари мониторингини амалга ошириш ва динамикасини қайд қила бориш, истиқболни башорат қилиш, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида мамлакат ва худудлар кесимида ижтимоий фикрни ўрганишга қаратилган сўровларнинг мунтазам ўтказиб борилиши жараёнларни илмий асосда тушуниш ва бошқаришда катта имкониятларни асослайди<sup>51</sup>.

Миллатлараро тотувликни социологик тадқиқ қилишнинг илмий-методологик асосларини ўрганиш натижалари миллатлараро тотувлик масаласини миллатлараро мулоқот (коммуникатив) маданияти нуқтаи назаридан талқин қилишни таклиф қилади. Зеро, миллатлараро мулоқот маданиятини шакллантириш қуйидаги асосий ҳолатларни эътиборга олиш асосида кечади:

- мамлакатдаги мавжуд миллатлараро муносабатлар муҳитини ҳисобга олиш;
- Конституция, давлатнинг миллий сиёсати, миллатлараро мулоқот маданиятини белгиловчи қонун ва қонуности ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши ҳолати;
- демократик норма ва талаблар, инсоннинг фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги;
- таълим-тарбиянинг миллатлараро мулоқот маданияти, миллатидан қатъи назар ҳар бир инсонга инсонпарвар муносабатда бўлиш маданиятини сингдириш ҳолати;
- миллатлараро мулоқот маданиятининг позитив динамикаси даражасини таъминлашга комплекс ёндашув, миллатлараро муносабатларга таъсир қилувчи барча кучларни мувофиқлаштириш ҳолати.

---

<sup>49</sup> Сидиков Б. Некоторые вопросы социокультурной политики государств Центральной Азии (на примере сотрудничества Киргизистана и Узбекистана). – Т.: Ёзувчи, 2000.

<sup>50</sup> Хоназаров К. Единство многонационального народа Узбекистана. – Т.: Катортол, 1996. С. 14.

<sup>51</sup> Силласте Г.Г. Социология межнациональных отношений. – М., 1996. С. 168.

Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган сиёсат натижасида «Ўзбекистон – умумий уйимиз» ғояси шаклланди. Ушбу ғоя асосида миллатлараро муносабатлар маданиятининг ривожланиш тамойиллари устуворлиги аҳолининг турмуш даражасида ҳам кўзга ташланади. Яъни барча миллатлар вакиллари олиб борилаётган ислохотларда бевосита иштирок этиши ва ислохотлар натижаларидан баҳраманд бўлиши, миллатидан қатъи назар, ҳар бир шахс эркинликларининг тўла таъминланганлиги, фуқароларнинг моддий, маънавий фаровонлик имкониятларининг реал воқеликка айланганлиги миллатлараро муносабатлар маданиятининг даражаси юқори эканлигидан дарак беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, миллатлараро тотувликни социологик тадқиқ қилишнинг илмий-методологик асосларини белгилашда ҳар бир шахс миллатлараро муносабатлар маданиятининг субъекти сифатида мулоқотга киришишини назарда тутиш лозим бўлади. Шу нуқтаи назардан бир савол туғилиши табиий. Алоҳида олинган шахсда миллатлараро тотувлик, миллатлараро мулоқот маданияти ривожланганлигини қандай аниқлаш мумкин? Муаммо доирасида мавжуд илмий адабиётларни ўрганиш бу борада эришилган баъзи илмий хулоса ва тавсиялар мавжудлигини кўрсатди. Биз ҳам амалга оширган тадқиқотларимиз натижаларига асосланиб, миллатлараро муносабатлар маданиятининг ривожланиш мезонларига қуйидагиларни киритдик:

1. Титул миллатнинг миллатлараро тотувлик муносабатлар тизимида жипслаштирувчилик ролини ўйнаш даражаси.

2. Этномаданий муҳитдаги устувор маданий кадрларнинг эъозланиши;

3. Ҳар бир миллат вакилининг умуминсоний ва миллий манфаатлар уйғунлигини англаш даражаси.

4. Миллий ғурурни теран англаш ва уни Ўзбекистондаги ягона этномаданий ғурур билан боғлиқ ҳолда ҳис этиш туйғусига эғалик.

5. Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир этнос нафақат ўз қобиғида ривожланиши, балки яшаётган мамлакатининг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиёти учун қайғуриши.

6. Ҳар бир миллат вакилининг ўзи яшаб турган ватан фаровонлиги учун онгли ҳисса қўшишга интилиши.